

# Байрамингиз муборак, қадрли она-сингиллар, муҳтарамма онахонлар!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

2016-yil  
6-mart,  
yakshanba

№ 28  
(3689)

# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарамма онахонлар, қадрли она-сингиллар, дилбар қизларимиз!

Она табиат чирой очиб, атроф-муҳит яшил либосга бурканиб, баҳор нашида-си тобора кучайиб бораётган айни шу фусункор айёмда сиз, азизларимиз, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март байрами билан чин қалбимдан табриклашни ўзим учун катта бaxт деб ҳисоблайман.

Мана шу байрам кунларида биз — юртимизнинг кексаю ёш барча-барча эркак зоти, мард ўғлонлари ҳақиқатан ҳам Яратганнинг муъжизаси бўлиши аёл сиймоси олдидан, авваламбор, меҳрибон оналаримиз олдидан бош эгиб, таъзим баҳо келтирамиз.

Мунис она-сингилларимиз, вафодор умр йўлдошларимиз, дунёдаги энг чиройли, латофатли қизларимизни табриклаб, уларнинг шайига самимий ва эзгу тилакларимизни, чуқур ҳурматимизни изхор этамиз, жажжи қизалоқ набираларимизни бағримизга босиб, чин юракдан қўлайимиз.

Шу кунларда ҳаммамизнинг тилимизда, дилимизда бўлган бир фикрни ҳеч иккиланмасдан айтишни зарур деб биламан.

Бу дунёда ширин ва аҳил, бахтли ҳаёт учун пойдевор яратиб, инсонин инсон, оилани мустаҳкам оила қиладиган, биз учун севги-муҳаббат, вафо ва садоқат тимсоли билан келаётган сиз, гўзал ва бетакрор, қадрдон аёлларимиз, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Чиндан ҳам, ўзининг бекиёс меҳри ва фидойилиги, сабр-қаноати ва чидамлиги билан хонадонларимизда, бутун жамиятимизда тинчлик-хотиржамлик, тотувлик ва ҳамжихатлик муҳитини сақлаб, ҳаётимизга файзу тароват бағишлайдиган, туңлари бедор бўлиб, болаларимизни баркамол инсонлар, Ватанимизнинг мард ва жасур ҳимоятчилари этиб вояга етказадиган ким?

Меҳрибон ва оқила аёлларимиз эмасми?

Умр йўлларимизда қандай оғир синов ва машаққатлар дуч келмасин, уларни энгиб ўтдилад руҳимизни кўтариб, кучимизга — куч, ғайратимизга — ғайрат қўшадиган инсонлар ҳам, ҳеч шубҳасиз, дунёдаги энг муътабар зотлар, қалби дарё аёлларимиздир.

Шу маънода, Алишер Навоий бобомизнинг «Аёллар — фаршларнинг она-сингилларидир» деган ҳикмати сўзларида қандай чуқур маъно борлигини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Хурматли юртдошлар! Биз ўз олдидан қўйган олий мақсадимизга эришиш йўлида, яъни ҳақондаги энг тараққий топган, демократик ва эркин давлатлар қаторига кириши, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириши, халқаро майдонда мамлакатимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришида, муҳтасар қилиб айтганда, бутун Ўзбекистонимиз қўлга киритаётган улкан марраларда — бу қайси соҳа, қайси касб-хўнара бўлмасин, уларнинг барчасида аёлларимизнинг муносиб, буюк ҳиссаси борлигини миннатдорлик билан таъкидлаймиз.

Бу ҳақда гапирганда, хотин-қизларимизнинг нафақат кундалиқ турмушда, балки давлат миқёсидаги энг муҳим масалаларни ҳал қилишда ўрни ва роли тобора ортиб бораётганини алоҳида қайд этишни зарур деб биламан.

Бугунги кунда юзлаб депутат аёлларимиз Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларда халқ вакиллари бўлиб фаолият кўрсатаётгани, давлат ва жамият бошқарувида, сийсий ва ижтимоий ҳаётимизда, фуқаролик институтлари ва нодавлат тузилмаларда қанчадан-қанча она-сингилларимиз эл-юрт манфаати учун жонбошлик билан хизмат қиладиганини ҳурмат билан эътироф этамиз. Биз учун устувор аҳамиятга эга бўлган таълим-тарбия, маданият ва илм-фан соҳаларида меҳнат қиладиган

хотимларнинг 73 фоизини, соғлиқни сақлаш тизимида 75 фоизини, ишлаб чиқариш тармоқларида 42 фоизини, қишлоқ хўжалигида 43 фоизини айнан аёллар ташкил этаётгани уларнинг ҳақиқатан ҳам бирор-бир соҳада ҳеч кимдан қолишмаслигини кўрсатади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги кичик бизнес субъектларининг 120 мингдан зиёдини, фермер хўжалиқларининг 4 минг 550 дан ортигини хотин-қизлар самарали бошқариб, барчага ўрнат ва намуна бўлиб келмоқда.

Мен жойларда бўлиб, мана шундай ўзининг қадр-қимматини, ҳаётнинг пасту баландини яхши биладиган, келажакка катта ишонч билан қараб, сидқидилдан меҳнат қиладиган она-сингилларимиз билан учрашиб, суҳбат қурганда, очигини айтишим керак, ўзим учун катта таассурот, маънавий-руҳий қўвват оламан.

Жамиятимиз тараққиётини бугунги юксак босқичга кўтаришда дунёда ўхшаши кам бўлган ноёб тузилма — маҳалла фаолларининг, хусусан, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлаётган, кўпни кўрган, жонқуяр она-сингилларимизнинг бекиёс ҳиссаси борлиги барчамизни албатта қувонтиради. Элу юртимиз ўртасида соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, хонадонларда турли гунаю араزلарнинг олдини олиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида ўзини аямасдан меҳнат қиладиган ана шундай минг-минглаб аёлларимизга ўз номидан, халқимиз номидан самимий ташаккур изхор этишни ўзининг бурчим, деб биламан.

Азиз она-сингиллар!

Биз Ватанимиз мустақиллигининг биринчи кунларидан бошлаб юртимизда оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш каби муҳим вазифаларни давлат сиёсати даражасига кўтарганимиз ва бу соҳада амалга ошираётган ишларимиз бугунги кунда жаҳон миқёсида ҳавас билан тан олинмоқда.

Бу ҳақда кўп гапирмасдан, биргина 2015 йилнинг ўзидан тадбиркор аёллар учун ажратилган кредитлар 1 триллион 255 миллиард сўмни ёки 2014 йилга нисбатан 130 фоизни ташкил этганини айтиш кифоя, деб ўйлайман.

Ҳеч шубҳасиз, бундай кўмак ва ёрдам хотин-қизларнинг қобилиятини ва салоҳиятини рўйбга чиқариш, уларнинг жамиятимиз ҳаётидаги муносиб иштирокини таъминлашда муҳим амалий қадам бўлмоқда.

Ўтган йили касб-хўнара коллежларини битирган 230 мингдан кўпроқ қиз болалар ишга жойлаштирилгани, тадбиркорлик соҳасида ўз ишини бошлаётган 6 мингдан ортик ёш қизларга 51 миллиард сўмдан зиёд кредитлар ажратилгани ҳам она-сингилларимизнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш борасидаги салмоқли ишларимиз қаторига кирди.

Шу билан бирга, кейинги икки йилда 27 минг 80 та хонадонга мўлжалланган 57 та кўп қаватли «Қамолот» уйлари барпо этилиб, ёш оилаларга берилгани, минглаб ёшларимиз учун имтиёзли ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилгани ва бундай тадбирлар изчил давом эттирилаётганини қайд этиш ўринлидир.

Шулар ҳақида сўз юритар эканмиз, 2015 йилда 1 минг 668 нафар спортчимиз, жумладан, 567 нафар қизимиз халқаро мусобақаларда иштирок этиб, 983 та медалга эришгани, иқтидорли фарзандларимиз нуфузли халқаро танловларда 137 та совринли ўринни, жумладан, 76 та гран-прини қўлга киритганини юртимизда соғлом ва баркамол авлодни шакллантиришга қаратилган кенг қўламли ишларимизнинг амалий натижаси сифатида қабул қиламиз.

Айни вақтда хотин-қизларимиз учун

янада қулай шароитлар яратиш, уларнинг оғирини энгил қилиш, ўз билим ва профессионал малакасини амалда намоеъ этиши учун кенг йўл очиб бериш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак. Айниқса, жондан азиз фарзандларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган инсонлар қилиб камол топтириш, аввало, қиз боланинг тақдири ҳақида гамхўрлик қилиш, уни бамисоли жамиятимизнинг гулидек тарбиялаб, вояга етказиш, бўлажак оиланинг бахтли бекаси сифатида кўриш вазифаси, яна ва яна бир бор айтаман, барчамизнинг энг олий мақсадимиз бўлиши даркор.

Нега деганда, бунинг негизда халқимиз, миллатимизнинг ҳаёти, келажак билан боғлиқ оддий ва шу билан бирга, ўта масъулиятли ҳақиқат мужасам бўлиб, уни ҳеч қачон унутмаслигини истардим. Яъни, қизларимиз тимсолида биз авваламбор бўлғуси оналарни, ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом авлодни ўзимизга тасаввур қиламиз, наслимиз давомчиларини кўрамыз. Ҳеч шубҳасиз, қиз бола соғлом, билимли, замонавий касб-хўнара эгаси бўлса, у қурадиган оила ҳам, бу оиланинг меваси бўлиши бола ҳам соғлом ва бахтли бўлади. **Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият барқарор ва фаровон бўлади.**

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, мамлакатимизда 2016 йилнинг Соғлом она ва бола йили деб эълон қилиниши, аввало, ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилади. Ушбу дастур доирасида жами 7 триллион 483 миллиард 300 миллион сўм ва 194 миллион 400 минг доллар ҳажмидаги ишларни амалга ошириш белгиланганининг ўзи, ўйлайманки, унинг миқёси ва кўлами қандай улкан эканидан далолат беради.

Дастурда белгиланган, кундалиқ ҳаётимизда энг муҳим эътибор қаратиш зарур бўлган йўналишлар ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, тиббиёт масканлари, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, акушер-гинекологлар, болалар шифокорларининг малакасини юксалтириш, она ва боланинг соғлиғидан мунтазам хабар олиб, уларга тегишли ёрдам кўрсатадиган патронаж ҳамширалар сонини кўпайтириш каби ўта долзарб масалалар бундан бунд ҳам диққатимиз марказида бўлади.

Юртимизда ҳукм сураётган ўзаро хурмат, меҳр-оқибат ва аҳилликни янада мустаҳкамлаш, ёшларимизнинг онги ва қалбини бизга мутлақо ёт бўлган зарарли оқим ва таъсирлардан, «оммавий маданият» хуружларидан сақлаш, оилаларда, маҳаллаларда олиб бораётган тарбиявий ишларимизни янги босқичга кўтаришни бугун тобора кескинлашиб, мураккаблашиб бораётган ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб этмоқда.

Ана шундай ўтқир масалаларни ечишда мен сиз, муҳтарамма аёлларимизга, сизларнинг ақл-заковатингиз, олижаноб фазилатларингизга таянишимни, сизларни ўзининг энг яқин маслаҳатчиларини ва сафдошларини, деб билишимни фурсатдан фойдаланиб бугун яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман.

Азиз ва қадрли она-сингилларим! Бамисоли баҳор элчиси бўлиб келаётган, ўзингиздек гўзал ва дилбар мана шу кутлуғ айёмда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барақа тилайман.

Умрингиз узок, иқболингиз зиёда бўлсин!

Барча эзгу орзу-ниятларингиз амалга осын!

Доймо оилангиз ва фарзандларингиз, элу юртимиз ардоғида бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни



## Соғлом она — баркамол авлод

«Туркистон» саройида 5 март куни Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди

Баҳорнинг илк кунларида хотин-қизлар байрамимиз нишонланишида ажиб рамзий маъно бор. Баҳор аёлларимизга, аёлларимиз баҳорга ўхшайди — бири беридаан гўзал.

Мамлакатимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонида Бахтиёр она ҳайкали барпо этилгани юртимизда оналарга, аёл зотига юксак эҳтиром кўрсатиш, хотин-қизларни эъзозлаш, соғлом авлодни вояга етказиш Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ишларнинг устувор йўналишларидан эканининг рамзий ифодасидир.

5 март куни Бош майдонимизда Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали тадбир бўлди. Унда турли соҳаларда самарали меҳнат қиладиган хотин-қизлар, табарруқ онахонлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, ҳуқуқ, илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларида самарали меҳнат қилиб келаётган аёллар Мустақиллик майдонида таш-

риф буюрди. Хурриятимиз, портлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди.

Байрам иштирокчилари пойтахтимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди. Республика ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш марказида бўлди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида «Садоқат» спектаклини томоша қилди.

Шу куни «Туркистон» саройида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали тадбир бўлди. Унда турли соҳаларда самарали меҳнат қиладиган хотин-қизлар, табарруқ онахонлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, ҳуқуқ, илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларида самарали меҳнат қилиб келаётган аёллар Мустақиллик майдонида таш-

риф буюрди. Хурриятимиз, портлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди.

Байрам иштирокчилари пойтахтимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди. Республика ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш марказида бўлди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида «Садоқат» спектаклини томоша қилди.

Шу куни «Туркистон» саройида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали тадбир бўлди. Унда турли соҳаларда самарали меҳнат қиладиган хотин-қизлар, табарруқ онахонлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, ҳуқуқ, илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларида самарали меҳнат қилиб келаётган аёллар Мустақиллик майдонида таш-

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНING МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари ваколатлари муддати шу йил май-июн ойларида тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 23-моддаси ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 8, 10 ва 11-моддаларига мувофиқ, мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига навбатдаги сайловни ўтказишга тайёргарлик қилинмоқда. Бу йил 9764 нафар фуқаролар йиғини раисини ва уларнинг 99 минг нафардан ортик маслаҳатчисини сайлаш режалаштирилмоқда.

▲(4).

Ҳар бир жамият яхши тарбия кўрган аёллар билан мукамал. Соғлом жамият, соғлом оила, ҳатто соғлом бола ҳам аёл меҳнати, меҳри билан яратилади. Шунинг учун жамиятни аёлдан, айлани жамиятдан айро тасаввур қилиб бўлмайди.

## Аёл қалби — эзгулик уммони

Мамлакатимизда аёл юксак эътибор ва эъзозда. Аёлни улуғлаб унинг номига йиллар аталди, мукофотлар жорий этилди, ҳайкаллар ўрнатилди. Эзгулик ва гўзаллик тимсоли бўлган аёлга эҳтиром кўрсатиш Соғлом она ва бола йилида янада устуворлик касб этди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Аёлларга шарқона эҳтиром ва эъзоз кўрсатиш — биз учун ота-боболаримиздан қолган ибратли мерос бўлиб, биз бундай анъаналаримизга доим содиқ бўлиб яшаймиз».

Қасаба уюшмалари тизимида хотин-қизлар масаласи устувор ҳисобланади. Республика бўйича жами 6,2 млн. қасаба уюшмаси аъзосининг 3 млн. нафарини, яъни 48 фоизини аёллар ташкил этади. Қасаба уюшмаси органларининг етакчилари сафида ҳам хотин-қизларнинг салмоғи ошиб бораётти.

▲(3).

Касаба уюшмалари хотин-қизларга

Тошкент шаҳри



Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тизимда меҳнат қилаётган 20 нафар аёл ҳамда соҳада ишлаб, эндиликда кексалик гаптини сураётган ўндан зиёд пенсионер онахонлар учун байрам тадбири ташкил этилди.

Сўзга чиққанлар йиғилганларни айём билан табриклаб, мамлакатимизда хотин-қизларнинг меҳнат қилиши, ўз имкониятларини намойиш этиши учун барча шароит яратилганини таъкидлашди. Бирлашма кенгаши томонидан хотин-қизларга совға-саломлар улашилди.

Ўз мухбиримиз. Икром ХАСАНОВ олган сурат

Тошкент архитектура ва қурилиш институтида «Сен муқаддассан, аёл!» деб номланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тошкент архитектура ва қурилиш институти ректори Равшан Ҳакимов мамлакатимизда олиб борилаётган иш-хотлар халқимиз, аввало, хотин-қизлар турмуши фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилганлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, аёл борки, олам мунаввар, аёл борки, ҳаёт гўзал ва мафтункор. Аёл азалдан меҳр-шафқат ва садоқат тимсоли бўлиб келган. Аёл деганда кўз олдимизда, биринчи навбатда, табаррук она сиймоси гавдаланади. Инсон оламдаги барча яхшилик ва эзгуликни, ҳаёт сир-асрорлари ва сабоқларини онанинг меҳру саховати туйғули ўрганади. Шундан сўнг, институтнинг фаол ва жонқуяр аёлларига эсдалик совғалари тақдим этилди.

Байрам дилтортар қуй ва қушиқларга улашиб кетди.

Ўз мухбиримиз

Сирдарё вилояти

Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан Республика шохининг тез тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиали травматология бўлими ҳамшираси Наргиза Гулмуродова ҳамда Сирдарё туманидаги 21-умумтаълим мактаби кутубхоначиси Манзура Кенжаевага Тошкент вилоятидаги «Бўстон» сичатгоҳига бепул йўланма ажратилди.

Шунингдек, бирлашма вакиллари Ховос туманида яшовчи 1-гуруҳ ногирони Зарифа Искандарованинг хонадонига бўлиб, унга касаба уюшмаларининг байрам туҳфасини ҳада қилишди.

Бундай тадбирлар Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмасига қарашли Янгийер шаҳри ва Сирдарё туманидаги «Муруват» ногирон аёллар учун интернат уйларида ҳам ташкил этилди, — деди тармокнинг вилоят бўйича масъул ташкилчиси Алишер Тожиев.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» мухбири

Қорақалпоғистон Республикаси

Мамлакатимизда хотин-қизларимиз ҳамisha эътиборда. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказилган «Хотин-қизлар: жамият, оила ва меҳнат» мавзусидаги тадбирда бу алоҳида эътироф этилди.

Унда қайд этилганидек, Бош келишув, қорхона ва ташкилотларда қабул қилинган жамоат шартномаларига ҳодимлар манфаати, шу жумладан, аёлларимиз учун қўшимча имтиёз ва енгилликлар бериш, хотин-қизлар меҳнатини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш чораларини қўчатириш, уларнинг муносиб дам олиши ва соғлиқларини тиклашига ёрдам беришга қаратилган қатор амалий вазифаларни қамраб олувчи бандлар киритилган. Уларнинг бажарилишини таъминлаш доимий назоратда.

Аёлларимиз, айниқса, талаба-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини намойиш этиши, ўз иқтидорини юзага чиқариши учун баҳоли қудрат ёрдам кўрсатилмоқда. Уларнинг турли жабҳалардаги иштироки ва ташаббускорлигини рағбатлантириб бориш, оила ва жамиятдаги муносиб ўрнини топиши учун қўлай муҳит яратиб бериш фаолиятимиз асосига айланган.

Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси қошидаги Хотин-қизлар кенгаши томонидан куйи бугун касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш ва улар қошидаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссияларининг ишини намунали йўлга қўйишга қўмаклашиш борасида қатор ишлар амалга оширилаётир.

Тадбирда бирлашма кенгаши раиси У. Жалмонов, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси З.Ибрагимова, Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Д.Бекбаева ва бошқалар аёлларимизнинг давлат ва жамиятдаги, оила ва фарзанд тарбиясидаги роли тўғрисида тўхталиб ўтишди.

Семинар якунида байрам муносабати билан бир гуруҳ фаол хотин-қизларга бирлашма кенгашининг Фахрий ёрликлари топширилди.

Гулнора ИЛМУРАДОВА, Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси



Соғлом она — баркамол авлод

Ў.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг 16 фоиизи, Сенат аъзоларининг 17 фоиизини хотин-қизлар ташкил этади. Бугун 14 аёл Ватанимизнинг энг юксак мукофоти — Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан тақдирланган хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор ва эҳтирмоннинг ёрқин намунаси дур.

Ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади, деб таъкидлайди Президентимиз. Шу жиҳатдан Ўзбекистон энг маданиятли, юксак маънавиятли мамлакатлардан десак арзийди. Онани эъзозлаш — халқимизда олий қадрият. Ватани она, онани муқаддас аташимиз шундан.

Ана шундай юксак муносабат туйғули мамлакатимиз хотин-қизлари ўз орзу-интилишларини рўёбга чиқаришда, барча соҳаларда муваффақиятларга эришмоқда. Аёллар тадбиркорлиги энгил ривожланмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес учун яратилган қўлай шароитлар, хотин-қизларни иш билан таъминлашда, уларнинг жамиятдаги фаоллигини, оилалар фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари халқимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда. Қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлар оилаларнинг ҳаёт сифатини оширмоқда, хотин-қизларнинг оғирини енгил, мушуқлини осон қилмоқда. Ёш оилаларга топширилаётган «Камолот» уйлари уларнинг оёққа туриб олиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши ва фарзандларини баркамол этиб тарбиялаши учун рағбат, катта мадад бўлмоқда.

Бундай шароит ва имкониятлар туйғули меҳрибон онахонларимиз, азиз опа-сингилларимиз фароғатли ҳаёт кеңирмоқда. Уларнинг саломатлиги мустаҳкамланиб, умри узаймоқда.

Хотин-қизларимиз ҳар қанча эъзоз ва эҳтиромга муносиб. Негаки, улар соғлом авлодни дунёга келтиради, баркамол этиб волеяга етказишади. Мамлакатимиз эртаси, келажак кўп жиҳатдан аёллар маънавияти ва саломатлигига боғлиқ.

Президентимиз ташаббуси билан 2016 йилга Соғлом она ва бола йили деб ном берилишига ҳам ана шу эзу мақсад мўжасам. Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури ижроси доирасида хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, қизларни касб-хўнарга ўқитиш ва спортга кенг жалб этиш масъули янада кенгаймоқда.

Ўзбекистон халқ артисти Муҳаббат Азизова, Ангрен шаҳридаги Мирзо Улуғбек номидаги маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Раъно Уайитқулова хотин-қизларни байрам билан табриклади.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов қарорига мувофиқ адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият соҳаларида



эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган 14 нафар кизга ана шу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Зулфия номидаги Давлат мукофотининг бу йилги соҳибалари — Яққобов озиқ-овқат саноати ва хизмат кўрсатиш касб-хўнара коллежи ўқувчиси Моҳидил Низомова, Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабаси Зульхаё Раимқулова ва бошқалар хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини янада ошириш, ёшларнинг истеъдодини юзага чиқаришга кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимизга самимий миннатдорлик изҳор этди.

Президентимиз табригида хотин-қизларга билдирилган ҳурмат-эътибордан гоё таъсирландик, кўнглимиз тоғдек кўтарилди, — деди Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги «Нурли обод» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибаси Лола Муродова. — Фермер хўжалиқларини самарали бошқариб келаётган хотин-қизлар ҳақида сўз юритилганда мен ҳам шулар қаторида борлигимдан фахрланаман. Кўп тармоқли фермер хўжалигимиз барча йўналишларда юқори маҳсулдорликка эришмоқда. Мамлакатимизда аёлларга берилаётган имкониятлар бизни янада фаол ва ташаббускор бўлишга ундамоқда.

Хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида улар ўртасида спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Қизлар учун миллий менталитетимизга хос кийимлар ишлаб чиқарилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан ҳар йили ўқувчи қизларга спорт либослари совға қилинмоқда. Бунинг самарасида оилавий

спорт, аёллар спорти тобора оммалашиб бормоқда. Спортсевад хотин-қизлар учун 39 спорт тури бўйича 35 миң секция ташкил қилинган. Уларда 3,5 миллиондан зиёд хотин-қиз жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланмоқда.

Спортчи қизларимиз халқаро мусобақаларда, мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчи-қизлари халқаро кўрик-танловларда юксак мукофотларни қўлга киритмоқда. — Мен мамлакатимизнинг бахтиёр қизларидан бириман, — дейди Тошкент давлат стоматология институти 3-курс талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Шохида Зоҳидова. — Президентимиз томонидан хотин-қизлар спортини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туйғули улкан натижаларга эришяпман. Синхрон сузиш бўйича 17 қарра Ўзбекистон чемпиони, халқаро мусобақалар ғолиби бўлдим.

Сарой фойеида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Бадиий академия, «Хунарманд» уюшмаси ҳамкорлигида тасвирий санъат ва миллий хунармандлик йўналишларида истеъдодини намойиш этаётган хотин-қизлар ижодига бағишланган кўргазма ташкил этилди.

Тадбир санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти билан якунланди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Гўзал САТТОВАВА, ЎЗА МУХБИРИ. Аъло АБДУЛЛАЕВ, Ёлқин ШАМСИДДИНОВ (ЎЗА) олган суратлар

Оила ташвишидан ортиб, юрт қорига камарбаста бўлаётган аёлларни ҳар қанча улугласак кам. Айниқса, мамлакат тинчлиги ва осойишталигини кўриқлаш, ҳудудимизга олиб кириладган ва олиб чиқилаётган товар-моддий бойликлар қонунийлигини таъминлаш йўлида эркаклар билан бир сафда хизмат қилаётган матонатли, отақалб хотин-қизларимизнинг ҳам борлиги кўнглимизга фахр бағишлайди. Шундайлардан бири Бухоро вилояти божхона бошқармасининг оммавий ахборот воситалари билан алоқалар гуруҳи катта инспектори, божхона хизмати майори Гули Бобоқуловадир.

Божхона маликаси

Бухоро шаҳрида туғилиб ўсган Гулининг бу даражага етиши осон бўлгани йўқ, албатта. 1995 йилда Бухоро давлат университетининг тарих факультетини имтиёзли диплом билан тамомлаган ёш мутахассисни аспирантурада олиб қолишди. У «Ўзбекистон тарихи ва сиёсатшунослик» кафедраси ўқитувчиси сифатида ҳам талабаларга сабоқ бера бошлади.

Ҳаёт йўли бир текис эмас. Бъазан уни ўзгартаришга тўғри келади. Уша пайтда илмий ишга қизган киришган Г.Бобоқулова ҳам ботиний истақ, яъни отасининг касбига бўлган муҳаббати устунлик қилди. Зеро, бу унинг болалиқдаги орзуси эди. Вилоят

божхона тизимида кўп йиллар масъул вазифаларда ишлаган Ражаб Бобоқулов фарзандларига ўз соҳасига қизиқиш ва меҳр уйғотган эди. Шу тариқа у 2001 йил март ойидан вилоят божхона бошқармасининг божхона назоратини ташкил этиш бўлими инспектори вазифасига тайинланди.

Шахсий таркиб зобити сифатида божхона хизмати майори унвони берилгунга қадар Гули турли лавозимларда ишлаб, касб сирларини пухта ўзлаштирди. Вилоятимиз чегаралари орқали мамлакатимизга олиб кириладган ва худуддан олиб чиқилаётган моддий қимматдаги товарларни қонун талаби дои-

расида расмийлаштиришни ўрганди.

— Бу ишда менга устозлик қилган божхона хизмати фидойилари Тўйибийш Қўлдошева ҳамда подполковник Камол Халиловдан бир умр миннатдорман, — дейди Гули Бобоқулова. — Негаки, касбимиз нихоятда масъулият ва синчковликни, қатъий интизомни талаб қилади. Қолаверса, соҳанинг ўзига хос машаққати, қийинчилиги бисёр. Шундай паллада сенинг унибўсишига кўмак берган инсонларни унутиб бўладими?! Қарилк гаштини сураётган Ражаб ака ва Ойша опанинг ҳам фарзанди муваффақиятдан кўнгли осмон. Уч ўғил орасида ўстирган қизи уларга раҳ-

мат эшиттирмоқда. Қолаверса, Гулининг бахти шундаки, турмуш ўртоғи уни тушунадиган ва доимо суянч бўлади. Уларнинг бахти ўғиллари Анваржон, Асад, Ақмал ва Баҳромжонлар билан тўқис.

Бир сўз билан айтганда, ота изидан бориб, муайян муваффақиятларни қўлга киритаётган божхона хизмати майори Гули Бобоқулова тимсолида божхона хотин-қизларимизнинг матонатли ва шижоатини яққол кўришимиз мумкин.

Хусен ТАНГРИЕВ, журналист

Халқаро хотин-қизлар куни. Бу байрамда барча онаси, бувиси, онаси, синглиси, ўқитувчиси, синфдош қизларга совға ҳозирлайди. Энг муҳими, уларнинг кўнглини олишини ўйлайди. Эркаклар нозик хилқат вакилларига янада эътиборли бўлишга интилади. Буларнинг бари аёлга ҳурмат-эътиборнинг ёрқин ифодаси.

Ҳамиша эътибор ва рағбатда

Юртимизда опа-сингилларимиз алоҳида ҳурмат-эҳтиром оғушида. Айниқса, уларнинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлишига жиддий эътибор қаратилади.

Эркакларда бир хил ҳуқуқлар, аёлларда эса бошқача ҳуқуқлар бўлишини ҳатто тасавуру ҳам этолмаймиз. Қўши ва истаган ишини танлаши учун барча бирдек имкониятга эга. Кимёгар, математик, актриса, журналист, судья, хирург аёлларни биламиз. Хотин-қизлар эркаклар билан бир қаторда давлат ҳокимияти органларида фаолият юритмоқда. Мактаб, шифона, завод ва фабрикаларни бошқаряпти.

Давлатимиз раҳбарининг тақлифи билан аёлларни ҳар томонлама давлат химосига олинишини назорат қилувчи орган сифатида Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ташкил этилган. Хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқлари Конституциямиз, Президентимиз фармонлари ва ҳукумат қарорлари билан кафолатланган. Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари бизнинг мамлакатимизда бошқа кўплаб халқлар орзу қилса арзийдиган даражада таъминланган.

Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунда депутатликка сиёсий партиялар томонидан номзодлар кўрсатишда хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоиизини ташкил этиши белгилаб қўйилган. Биргина шу қонундан ўзи юртимиз аёлларида нафақат ижтимоий, иқтисодий, маданий соҳаларда, балки давлат бошқарувида ҳам ўзларини кўрсатиш имконияти мавжудлигидан далолат беради. Ўзбекистон 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини кенг нишонлаётган дунё мамлакатлари орасида аёллар ҳуқуқлари кафолатланган давлатлардан бири экани барчамизга ифтихор бағишлайди.

Фазлиддин РАҲИМОВ, Темурийлар тарихи Давлат музейи илмий ходими



## ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

### Аёл қалби — эзгулик уммони

Қўшма. Хусусан, касба уюшма кўмиталари раислари ҳамда ташкилотчиларнинг 44,6 фоизи, бирлашган кўмиталар раисларининг 21 фоизи, туман (шаҳар) кенгаши раисларининг 23,9 фоизи, битта тармоқ касба уюшмаси Республика кенгаши, иккита вилоят бирлашмаси кенгаши раиси аёллардир.

Республика касба уюшмалари томонидан хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаати ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш, хотин-қизларнинг ўз фаолиятини бола тарбияси билан ўз-ўзига ҳолда олиб бориши учун етарли шароитлар яратиш йўналишларида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жамоа шартномаларида «Аёллар меҳнати» тартибга солиш. Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёз ва кафолатлар» бўлими киритилди, хотин-қизлар учун яратилган имтиёз ва кафолатлар қўлама кенгайтирилди. Бунинг натижаси ўлароқ, жамоа шартномалари орқали хотин-қизларнинг янги касбларга ўқитиш имконияти юзага келди. Кичик ёшдаги фарзандлари бор аёлларга қисқартирилган иш вақти белгилаш, ҳақ тўланадиган ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари кунини узайтириш, 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган бола парваршиш таътилларида аёлларга ҳар ойда моддий ёрдам кўрсатиш, 2 ёшгача фарзанди бўлган аёлларга ҳақ тўланадиган танафуслар бериш имтиёзлари қўлланилди.



Шунингдек, қорхона, ташкилот ва муассасаларда «Ҳойилдор аёлларни ишга қабул қилиш учун маълум миқдорда иш ўринлари ажратиш, аёлларни бепул тиббий кўридан ўтказиш, хавфсиз меҳнат шароитларини ташкил этиш, 12 ёшгача фарзанд тарбияси билан банд бўлган ишловчи аёлларга қўшимча меҳнат таътиллари ёки қўшимча дам олиш кунларини бериш каби имтиёзлар қўлланилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган Бош келишув ҳамда 95 та тармоқ, 14 та ҳудудий келишувлар, қорхона ва ташкилотлардаги мажмуи 113 мингдан зиёд жамоа шартномалари дастуриламал бўлиб ҳизмат қолмоқда.

Рақамлар билан айтганда, бугунгача жамоа шартномалари орқали 2 ёшдан 3 ёшгача фарзандлари бўлган 7 070 нафардан ортиқ ёш онага моддий ёрдам кўрсатилди. Нодавлат мулк шаклидаги 1 405 та қорхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган болани 6 240 нафар аёлга ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтаси 1 соатга қисқартирилди. 890 та қор-

хонада 2 344 нафар аёл учун ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари муддати узайтирилди. 585 та қорхонада иш беврувчи ва касба уюшмаси маблағлари ҳисобидан 2 460 нафар ёш оилага ўз-ўзига қўшимча маблағлар таъинланди. 46 нафар ишловчи аёлларга ҳақ тўланадиган танафуслар бериш имтиёзлари қўлланилди.

Хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш масаласи ҳам касба уюшмаларининг доимий эътиборида. Тизимдаги санаторийларда соғломлаштирилмаётган аҳоли вакиллари қарийб 60 фоизини аёллар ташкил этади. Ижтимоий йўналишланган Давлат дастурлари доирасида эҳтиёжманд оилалардан бўлган аёллар бепул соғломлаштирилиб, фертил ёшдаги хотин-қизларнинг саломатлиги имтиёзли йўланалар асосида мустаҳкамланмоқда.

Ижтимоий шериклик асосида касаначи аёлларнинг меҳнат ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жамоа шартномаларидаги имтиёз ва кафолатлардан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳодимлари, касаначилик ва оилавий тадбиркорликда банд бўлган аёллар ҳам тўлақонли фойдаланаётди.

Бу борадаги ишлар сифати ва самардорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида Хотин-қизлар кенгаши, тармоқ ва ҳудудий касба уюшма ташкилотларида Хотин-қизлар комиссиялари фаолияти

йўлга қўйилди. Улар томонидан мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қорхона, ташкилот ва муассасаларда ишловчи хотин-қизларга муносиб ва хавфсиз меҳнат шароити яратилиши устидан жамоатчилик назорати олиб борилмоқда. Шунингдек, жамоа шартномаларини экспертизадан ўтказиш жараёнида улар иштироки таъминланиб, хотин-қизлар учун янги имтиёз ва кафолатлар, муносиб меҳнат шароитлари яратилди.

Хотин-қизлар кенгаши ва комиссиялари давлат қорхоналарида меҳнат қилаётган хотин-қизлар билан бир қаторда нодавлат секторида фаолият кўрсатаётган ҳамда уй меҳнати билан машғул (касаначи) хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат ҳуқуқлари ҳимояси, уларга иш жойларида муносиб меҳнат шароитлари яратилганлига алоҳида эътибор қаратди. Ушбу йўналишлардаги аҳвол мунтазам ўрганилиб, зарурат бўлганда иш беврувчиларга аниқ тақлиф ва тавсиялар берилди. Жумладан, «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи», «Фаргона нефтни қайта ишлаш заводи» унитар қорхоналари, «Фаргонаазот», «Навоийазот», «Аммофос-Максам» акциядорлик жамиятлари базасида ташкил этилган уй меҳнати билан шугулланувчи — касаначилар жамоа шартномасида ишчи-ҳодимлар учун белгиланган имтиёз ва кафолатлардан тўлиққили фойдаланмоқдалар. Касаначилар билан меҳнат шартномаси тузилиб, уларга меҳнат дафтарчалари очилган. Шунингдек, иш беврувчи томонидан касаначилик билан шугулланаётган аёлларга зарур хомашё ва материалларни уйга етказиб берилиши, тайёр маҳсулотларнинг ойда камида икки марта таъиниб кетилиши, шахсий электр тикув машинасида фойдаланганлиги учун сарфланган харажатлар қоплаб берилиши йўлга қўйилган.

Фаолияти ўрганилган Тошкент вилоятидаги «Мастер делекатесов» МЧЖ, «Evroteksglobal», Наманган вилоятидаги «Наманган водий ипаги» Турк — Узбек қўшма қорхоналари, Андижон вилоятидаги «Боғишамол текстил локо» МЧЖ, «INWESTEX» Ўзбекистон — Америка қўшма, «KURGANTEX» МЧЖ шаклидаги хусусий, «ALYOR-TEX» Ўзбекистон-Россия-Хитой қўшма қорхоналарида, «Semurg» АЖ, «Оптикун водий гулшани» фермер ҳўжалиги, «Hamkorbank» акциядорлик тижорат банкида ҳам ишловчи хотин-қизлар учун жамоа шартномаларида белгиланган имтиёзлар баъжарилимоқда. Бундай мисолларни яна қўлаб келтириш мумкин.

Соғлом она ва бола йилида ишловчи аёлларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш ва соғлиқларини муҳофаза қилиш, шунингдек, ёш болани оналар, ёш оилалар ижтимоий ҳимоясига эътибор қаратиш, соғлом турмуш тарзи ва соғлом муҳитни шакллантиришнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш, қизлар тарбияси, йигитлар саломатлиги каби масалалар диққат марказида бўлади. Бинобарин, ҳар томонлама етуқ фарзанд нафақат ота-она, балки бутун жамият боғлиғи.

Аёл, авваламбор, она. У дунё ташвишлари учун эмас, бахт ва гузаллик учун яратилган. Ана шун эзгулик мубодиларининг энг яқин ва ишончли кўмакчиси бўлиш Федерация Хотин-қизлар кенгашининг бирламчи вазифасидир. Федерация Кенгашининг Раёсати қарорига асосан барча бўғиндаги касба уюшма ташкилотлари иш беврувчилар билан ҳамкорликда 8 март — Хотин-қизлар кунига бағишлаб юқори савияда ва кўтаринки руҳда тадбирлар ўтказиб, Ватанимиз тараққиёти, турмушининг ободлиги ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшаётган дилбар аёлларимизга алоҳида эҳтиром кўрсатмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, республикамиз барча хотин-қизларини ўзларидек гузал ва жозибали байрамлари билан кутлайман. Ҳамиша оилалари тинч, турмушлари обод ва фаровон бўсин!

**Мавжуда ХАЛИЛОВА,**  
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Хотин-қизлар кенгаши раиси

## Касаба уюшмалари — хотин-қизларга

Наманган вилояти

Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ҳодимлари Республика кенгашининг Наманган вилояти бирлашган кўмитаси томонидан тармоқ тизимида самарали фаолият олиб бораётган, оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда ўз ҳиссасини қўшаётган хотин-қизларни рағбатлантириш, меҳнат фахрийларини шарафлаш мақсадида қўлаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Белгиланган чора-тадбирлар дастурига асосан кўмига томонидан 170 нафар аёлга касба уюшма маблағи ҳисобидан совғалар тақдим этилди.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар, хусусан, боқувчисини йўқотган, ногирон аёллар ҳолидан хабар олиниб, улар ҳўжалик ҳисобидан моддий қўлаб-қувватланди.

«Касаба уюшмалари — хотин-қизларга» акцияси доирасида Уйчи, Учқўрғон, Норин ва Мингбулоқ ТИХПТФК, «Уйчи қурилиш материаллари» МЧЖ, 10-ХМКК, «Мангу транс сервис», «Учтепа транс сервис» МЧЖларда ҳамда «Навбахор Норин транс сервис» шўба қорхоналарида «Аёл борки, олам мунаввар» мавзусида маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.

Тармоқ тасарруфидидаги 9 та касб-ҳунар коллежиде талабалар ўртасида уюштирилган «Балли, қизлар», «Энг зукко қизлар», «Энг моҳир пазанда», «Энг талабчан ўқувчи», «Қамолот маликаси» каби курак-тановлар қизлар маънавиятини ошириш билан бирга, уларга байрам қилфратини улади.

Феруза ЭРМАТОВА

Қашқадарё вилояти

Юртимизнинг барча туман ва шаҳарларида «Касаба уюшмалари — хотин-қизларга» акцияси доирасидаги тадбирлар давом этмоқда.

Қашқадарё вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмасида бўлиб ўтган «Аёл борки, олам мунаввар» деб номланган тадбирда бирлашма кенгаши раиси Эсон Ражабов ҳукумати-миз томонидан хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини юксалтириш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида атрофлича тўхтади.

Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан турли соҳаларда меҳнат қилаётган эҳтиёжманд, кўп болали ҳамда вилоятнинг олис ва чекка ҳудудларида, мураккаб иқлим шароитида яшайдиган тўрт нафар хотин-қизга «Бўстон» санаторийсига бепул йўлномалар берилди.

Қирқ йилдан бунён таълим соҳасида ишлайман, — деди Қарши шаҳридаги 22-ўрта умумтаълим мактаби ўқитувчиси Айқумуш Эргашева. — Ўйлаб қарасам, соғлигимни тиклаш учун бирор марта сихатгоҳларга бормаган эканман. Юртбошимизнинг миллат оналарига, хотин-қизларга кўрсатаётган гамхўрлиги туфайли касба уюшмалари томонидан Соғлом она ва бола йилида «Бўстон» сихатгоҳига бепул йўлномалар берилди. Эъзоз ва эътибор учун раҳмат. Бу рағбат бизга байрат-шиқоят, савабга йўрилган касаб-коримизга унум бағишлади.

Жойларда давлат ва нодавлат секториде меҳнат қилаётган ўз касбининг фидойилари бўлган илғор хотин-қизларни, шунингдек, фидойи фахрийларни табриқлаш ва рағбатлантириш, ётиб қолган ногиронлар ҳолидан хабар олишдек эзгу тадбирлар ўтказилди. Шунингдек, жамоаларда аёллар ўртасида спортнинг оммавий турлари бўйича мусобақалар ташкил этилаётгани байрам шуқуҳига шуқуҳ, файзига файз қўшаётди.

Акмал АБДИЕВ,  
«Ishonch» мухбири

Навоий вилояти

Агрисаноат мажмуи ҳодимлари касба уюшмаси Кармана туман Кенгаши томонидан байрам тадбири ўтказилди.

Хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат ва эзгулик нури билан мунаввар қиладиган хотин-қизларимизнинг жамият ҳаётидаги фаолиятини янада ошириш, меҳнат фаолиятидаги ютуқларини рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган тадбирда ўз иш тажрибаси, эришган натижалари билан бошқаларга ўрнак бўлаётган аёллар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Бугун мамлакатимизда аёлларга эътибор ва гамхўрлик туфайли турли соҳаларда уларнинг фаолиги ошиб бораётганлигини кўриш мумкин. Аиниқса, ишлаб чиқариш қорхоналарида, тадбиркорлик субъектларида меҳнат қилаётган юксак малакали хотин-қизларимиз юртимиз фаровонлигига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшишмоқда. Таъбир орқали шундай фаол аёлларимизни рағбатлантириш, қолаверса, уларга байрамона кайфият улаштириш мақсад қилганмиз, — дейди Кенгашнинг етакчи мутахассиси Фароғат Юсупова.

Тадбир давомати билан гуруҳ хотин-қизлар қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди. Санъаткорлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар кенгага ўзгача файз бағишлади.

Руслан САБУРОВ,  
«Ishonch» мухбири

Сурхондарё вилояти

Сурхондарё вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг хотин-қизлар билан ишлаш доимий комиссияси ташаббуси билан «Аёл борки, олам мунаввар» шiori остида давра сўхбати ташкил этилди. Унга таълим, маданият, соғлиқни сақлаш тизими, кичик ва ўрта бизнес вакиллари, давлат муассасалари ва жамоат ҳизматида самарали меҳнат қилиб келаётган 100 нафардан ортиқ хотин-қиз, намунали касбий маҳорати билан барчага ўрнак бўлаётган меҳнат фахрийлари, нуруний онагонлар тақлиф этилди.

Давра сўхбатини вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси А.Аҳмедов кириш сўзи билан очиб, иштирокчиларни байрам билан табриқлади. Сўнгра бирлашма кенгаши хотин-қизлар билан ишлаш доимий комиссияси раиси М.Қодирова, вилоят фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинимаси раҳбари ўринбосари Ф.Шарилов, вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси М.Қўлолова маъруза қилиб, иштирокчиларни байрам билан табриқлади.

Сўнгра тадбир иштирокчиларининг ҳар бирига вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг эсдалик совғалари топширилди.

Давра сўхбати шеърхонлик ва куй-қўшиқларга уланиб кетди.

Руслан ДАВЛАТОВ,  
«Ishonch» мухбири

Ишни тугатиб, энди уйига отланаётган ҚВП мудири ҳузурига маҳалла маслаҳатчиси кириб келди. Унинг юзи ташвишли кўринди. — Ёрданингиз керак, сингилжон, — деди у. — Маҳалламиздан бир аёл қизини энг яқин қариндоши — ўз акасининг ўлигида узатиш ҳаракатида экан. Қариндошлар никоҳининг натижаси ўзингизга маълум. Бултур шундай бир ҳолатнинг олдини олган эдингиз...

— Тушунарли, — деди шифокор. — Уйига бориб, ўзим гаплашаман. Соғлом фарзандлар туғилиши учун ҳаракат қилишимиз керак. Аслида, фаолиятимиз асоси ҳам шунга қаратилган.

Маслаҳатчининг кутарар экан, шифокор ўйга ботди. «Қизик, — дея мулоҳаза юритди у. — Неча марта «Соғлом она — соғлом бола» мавзусида сўхбатлар ўтказдик. Нега яна яқин қариндошларнинг қуда бўлгиси келиб қолди? Тарғиботимиз дедик яхши самара бермабди-да. Оилаларга чуқурроқ кириб боришимиз зарур экан».

Шифокор маслаҳатчи билан эртаси эрталаб ўша хонадонга йўл олди. «Хали иш бошланишига эрта, улгурамиз», деб ўйлади у.

Тонг сахарлаб уларнинг йўқлаб келиши уи бекасини аввал ҳайратлантирди. Шун-

## Саодат макони

дай бўлса-да ҳайронлигини сездирмай хурсанд кутиб олди. Чунки қишлоқда барча ҳурмат қиладиган шифокор ҳамиша ўз тавсиялари билан уларнинг жонига ора кириб келяпти.

Хол-аҳвол сўрашгач, ҚВП мудири фарзанд соғлом туғилиши учун нималарга эътибор қаратиш хусусида ўз фикрларини баён қилди. «Қариндошлар фарзандидаги никоҳ фарзандни ногирон туғилишига олиб келади», деган гапларни айтаётганида аёл серҳам бўлди.

— Сизнинг ҳар бир сўзингиз мен учун олтиндан қиммат, — деди уи бекаси. — Бироқ қариндошлар орасидаги никоҳдан соғлом туғилган болалар ҳам бор...

— Бунга ҳеч ким кафолат беролмайди, — деди шифокор ва ўз сўзларини ҳаётий мисоллар орқали исботлади. — Боланинг кўриниши соғлом бўлса-да ақлий қобилияти суст бўлиши ёхуд неваралар ногирон туғилиши исботланган. Яхшисини, тавakkалчиликдан воз кечиб, келажак эгаларининг ҳар томонлама баркамол бўлиб туғилишини ўйлаган маъкул.

Аёл эътироз билдирмади,

уларни яхши кайфиятда, бироқ ҳардамхаллик билан кутарди.

Шифокор ишончасига етиб келиб, барча ҳодимларни тўплади. Уларга ҳафта давомида қилиниши зарур бўлган вазифаларни тушунтираркан, шундай деди:

— Ҳар бир оилага кириб, у ердаги муҳитни ўрганишни қанда қилманг. Меҳнатимиз самараси натижада кўринади. Худудимизда фарзандлар соғлом бўлиб туғилаётгани, оналар, болалар ўлими қайд қилинмагани бизнинг ютуғимиз. Бунга янада мустаҳкамлашимиз шарт ва зарур.

Ҳодимлар ишга шўғилб кетишди. Барчанинг кайфияти яхши, қишлоқ врачлик пунктида гўё ҳаёт қайнагандек бўлди.

— Фозоват қишлоқ врачлик пункти аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда, — дейди Қўшқўр туман марказий поликлиникаси мудири ўринбосари Одилбек Матмуродов. — Уларнинг фаолиятини ҳамиша ибрат қилиб кўрсатамиз. Албатта, бу ютуқларда врачлик пункти мудири, умумий амалиёт шифокори Мехрибон Юсупованинг хизмати катта.

— Қишлоғимизда 6815 нафар киши истиқомат қилади, — дейди Мехрибон Юсупова.

— Шундан 1899 нафари туғиш ёшидаги аёллар бўлиб, ҳар бирини шахсан танийман ва ўз вақтида тиббий кўридан ўтиб туришлари хусусида оғохлан-тириб, сўхбатлар ўтказиб бораман. Аҳолининг тиббий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Юксак тиббий маданият ёрқайи ҳойда касалликка йўл йўқ. Тажрибали ҳамширалар Малика Жуматова, Норпошва Исқандарова, Бихажон Пирнафасова, Муборак Назарова Фарзат Дастурлари ижросини таъминлашга, юқумли касалликларнинг олдини олиб, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Таниган-билганлар Мехрибон Юсуповани тиниб-тинчимас, жонқуяр аёл деб эътироф этишади.

— Мехрибон қизимнинг ўз вақтида кўрсатган ёрдами, тавсиялари билан ҳаётга қайтдим, — дея уни дуо қилди Иккинчи жаҳон уруши даврида фронт ортида меҳнат қилган, 90 ёшдан ошган ота-хон Аҳмаджон Маткаримов. Фозовотликлар 2014 йилда

М.Юсуповага ишонч билдириб, туман кенгашига депутат қилиб сайладилар. У бугунги кунда нафақат шифокор, балки депутат сифатида ҳам эл хизмати-га камарбаста.

— «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш биз, шифокорлар зиммасига янада масъулиятли вазифаларни юклайди, — дейди у. — Ҳукуматимиз томонидан аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, фарзанд камолотига давлат сийсати даражасида қаралмоқда. Бу эса изланишга, фаолиятимизни янада тақомиллаштиришга ундади.

Шифокор оилаларини ўрганиб чиқар экан, қаердаки тиббий маданият юқори бўлса, ўша жойда бахт-саодат ҳукмрон бўлишини, ўша ерда туғилиб, камолга етган фарзандлар ҳақиқатан ҳам эл-юртга таянч эканлигини чуқур ҳис қилади.

У эришилган муваффақиятлар билан чегараланиб қоладиганлар хилиданмас. Дарвоқе, Мехрибон Юсупова 2012 йилда «Энг яхши умумий амалиёт шифокори» республика танловида ғолиб чиққан эди.

— Шундан бери уч йил ўтди. Бу кўрик-танлов мени янада изланишга ундамоқда, — дейди М.Юсупова. — Ҳаётдаги энг олий мақсадим: ҳеч бир оилда касаллик бўлма-син, ҳар тонг нурафшон, шодликка тўла бўлсин.

Мафтуна РЎЗИМАНОВА,  
Хоразм вилояти



# Аъзоларга қувонч улашиб

Соғлом она ва соғлом бола йили муносабати билан Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қарорига мувофиқ, юртимизнинг барча ҳудудлари ва тармоқларда «Соғлом оила» шiori остидаги спорт беллашувлари ташкил этилмоқда.

Тошкент вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда ўз ниҳоясига етган дастлабки икки босқичда 16956 нафар соҳа ходими иштирок этгани мақсад сари ташланган қадамлар салмоғидан дарак беради. Тошкент давлат аграр университетидида уюштирилган спартакиаданинг вилоят босқичида эса туманларда зафар кучган қирқ оилавий жамоа таркибидида 120 нафар ходим ва уларнинг фарзандлари голиблик учун кураш олиб борди.

Унда иштирокчилар югуриш, акробатика элементлари ва тўпни нишонга отиш, «Наҳонлик ва мерганлик эстафетаси», «Моҳир ҳужумчи», «Қаддимизни ростлаймиз, сакрашни боғлаймиз», «Тезлик эстафетаси», «Эпчиллик эстафетаси», аркон тортиш, жамоавий эстафета каби шартлар бўйича ўзаро куч синашдилар.

Беллашувлар оилалардаги иноқлик ва ҳамжиҳатлигини таъминлашга хизмат қилаётгани эътироф этилаётганидан, айниқса, хурсандман. Бундай мусобақаларни йил давомида уюштиришни режалаштирганмиз, — деди Тошкент вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Шахноза Одилхонова.

Қизгин беллашувлар якунига кўра, қиз болалар оилалар ўртасида Аҳмад Нурматовлар (Паркент тумани), ўғил болалар оилалар ўртасида эса Анвар Саъдиевлар (Бекобод шаҳри) оилавий жамоалари галаба қозониб, мусобақанинг республика босқичига йўлланма олишди.

Голиб ва совриндорларга ташкилотчилар томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилди. Евгений Новиковлар (Ангрэн шаҳри) «Энг чаққон оила», Улугбек Абдуқаюмовлар (Бекобод шаҳри) «Галабага бўлган интилиши учун», Бахтиёр Бегматовлар (Чиноз тумани) эса «Энг фаол оила» номинацияларида голиб деяр эътироф этилди. Ҳеч ким эътибор ва рағбатдан четда қолмади.

Аслида, бундай дўстона мусобақаларда голиб ва мағлублар бўлмайди. Мухими, бу оилаларда соғлом муҳитнинг янада мустаҳкамланганидир.

**Адҳам АРСНОВ,**  
**«Ishonch» мухбири**  
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар



Анджон шаҳридаги «Ешлик» спорт мажмуасида «Соғлом оила» шiori остидаги спорт мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туманлар, алоқа, транспорт ва қурилиш, нефть, газ ва геология, энергетика, кимё ҳамда машинасозлик соҳаларига қарашли бошланғич касба уюшма кўмиталаридан 44 та оилавий жамоа голиблик учун баҳс олиб борди.

Айтиш жоизки, беллашувнинг қўйи босқичлари 2 минг 456 та корхона, ташкилот ва муассасаларда юқори савияда, уюшқоқлик руҳида ташкил этилди. Уларда 19 минг 648 нафар оилавий жамоа вакилларининг қатнашганлиги мусобақанинг нуфузи ва қамрови йил сайин кенгайиб бораётганидан далолат бермоқда.

Беллашувларда оиламиз билан иккинчи йил қатнашяпмиз, — деди Анджон тумани тиббиёт бирлашмаси «Тез ёрдам» бўлими шифокори Рустамжон Умаров. — Фарзандларимга жисмоний тарбия билан мунтазам шугулланиш зарурлиги, соғлом турмуш тарзининг аҳамияти ҳақида кўп гапирмаман. Мусобақанинг ранг-баранг ўйин ва шартлари уларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Мурасиз курашларда таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси тармоғи вакиллари — Бўз туманидан Исмоиловлар ҳамда кўргонтепалик Аҳмедовлар оилалари республика босқичига йўлланма кўлга киритдилар.

Транспорт ва қурилиш тармоғидан Мамадалиевлар ҳамда ҳўжабодлик Шербековлар оилалари иккинчи, шахрихонлик Ўлдишевлар ҳамда Олтинқул туманидан Зокировлар оилалари эса учинчи ўринни банд этишди.

Шунингдек, «Энг чаққон оила», «Галабага бўлган интилиши юксак оила», «Фаол иштирок этган оила» номинациялари бўйича ҳам голиблар аниқланди.

Мусобақа пешқадамлари ташкилотчиларнинг диплом ва қимматбахо совғалари билан тақдирландилар.

**Нурилло НЎМОНОВ,**  
**«Ishonch» мухбири**

«Соғлом она ва бола йили»нинг илк кунлариданоқ касба уюшмалари тизимида «Соғлом оила» республика спартакиадасининг дастлабки босқичларига старт берилган эди. Уч босқичда ўтказилган спорт мусобақаларида 500 га яқин оилавий жамоалар иштирок этди. Мусобақалар якунига кўра, голиб жамоалар ўртасида Гулистон шаҳридаги мухташам «Алломиш» спорт мажмуасида вилоят босқичи ўтказилди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Соғлом она ва бола йили» дастури ҳамда вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг иш режасига асосан ўтказилган спорт тадбирида 4 та тармоқ вакиллари қатнашди. — дейди бирлашма маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Хайрулла Аминов.

Қизиқарли кечган баҳсларда Таълим, фан ва маданият ходимлари Гулистон шаҳар Кенгаши вакиллари — Ҳамза ва Малика Шайжигитовлар ўғиллари Суннатбек билан, Ширин шаҳар тиббиёт бирлашмаси жамоаси — Бахтиёр ва Саодат Алимовлар оиласи қизлари Чарос билан фахрли биринчи ўринни эгаллашди.

Бундай тадбирлар нафақат соғлом турмуш тарзини тарғиб этади, балки оилаларнинг аҳил ва иноқлигини мустаҳкамлайди, — дейди Бахтиёр Алимов.

Касба уюшмалари томонидан ташкил этиладиган ҳар бир тадбирда фаол қатнашман, айниқса, оилавий спорт мусобақалари билан бизга жуда ёқадди, — дейди Алоқа ходимлари касба уюшмаси вакили, «Ўзбекистон почтаси» АЖ Сирдарё филиали ишчиси Тоҳир Қосимов. — Мана бугунги тадбирда ҳам иштирок этиб, «Галабага бўлган ишонч юксак оила» номинациясига сазовор бўлдим.

Голиб жамоалар «Соғлом оила» спорт мусобақаларининг республика босқичига тайёргарликни бошлаб юбордилар.

**Озода МАМАДАЛИЕВА,**  
**«Ishonch» мухбири**

Қарши шаҳридаги «Насаф» спорт мажмуасида «Соғлом оила» спорт мусобақаларининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

15 январь — 1 феврал кунлари ташкил этилган мусобақанинг биринчи босқичида вилоятдаги 2378 та корхона, ташкилот ва муассасалар номидан 15 602 та оила қатнашди.

Туман ва шаҳарларни қамраб олган иккинчи босқичда эса 206 та оила ўзаро қизгин баҳслашди. Учинчи босқичда сараланган 14 жамоа таркибидида 28 та спортсвар оила сакизта шарт бўйича мусобақага киришди.

«Соғлом оила» мусобақаси шартлари оиланинг барча аъзолари учун қулай тузилгани туфайли голибни аниқлаш осон бўлмади. Якунда ўғил болалар оилалар ўртасида Қарши шаҳри вакили Ҳамидулла Раҳимов, қизлар жамоаси орасида эса нишонлик Иззатхон Кодиров оиласи биринчи ўринни қўлга киритди.

Муборак тумани 21-ўрта умумтаълим мактаби ўқитувчилари Собир Мўминово ва Саида Чориева ҳамда Шаҳрисабздаги 100-мактаб ходимлари Янбар Рўзиев ва Нодира Намозова оилаларига иккинчи ўрин насиб этди.

Чироқчилик Худойберди Усмонов ва касбилик Ибратжон Қороев оиласи учинчи поғонадан жой эгаллади.

Шунингдек, «Энг чаққон оила», «Галабага бўлган интилиши юксак оила» ва «Фаол иштирок этган оила» номинациялари бўйича ҳам голиблар номи эълон қилинди.

Барча голиб ва совриндорлар диплом ва қимматбахо совғалар билан тақдирланди.

«Шўртангазим» мажмуасида ишлайман, — деди Азамат Тўраев ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиб. — Корхонамизда мусобақага қизиқиш жуда кучли бўлгани боис «Шўртангазим» мажмуасининг икки ходими саралаш баҳсларидан муваффақиятли ўтиб, вилоят босқичида иштирок этди. Бугун ҳеч ким ютқазмади. Қаранг, болаларимиз қанчалар яйрашди. Турмуш ўртоғимиз дўгона, ўзимиз эса янги танишлар, дўстлар орттирдик. Ташкилотчиларга катта раҳмат. Оилавий спорт мусобақаларининг ўтиши анъанавга айланишни истардим...

Ўзим тумандаги 7-ўрта умумтаълим мактабидида, турмуш ўртоғим Очилов Умирова «Пақанди» МФИда ишлайман, — деди мусобақа голибларидан бири, чироқчилик Худойберди Усмонов. — Оиламизда эр-хотиннинг спортга қизиқиши туфайли беш нафар фарзандимиз ҳам спортсвар бўлиб ўсмоқда. Бугунги баҳсларда қатнашадиган ўғлим Рамазон таъвонодан WFTF бўйича туман чемпиони. Фарзандларимиз спорт билан шугуллангани учун дунёқарашни кенгаймоқда, фикрлари ҳам теран, бекорчи ўй-хаёлларга вақти йўқ. Олдига аниқ мақсадлар қўйишлар. Шунинг учун ҳам спортни жуда қадрлайман, яхши кўраман...

**Акмал АБДИЕВ,**  
**«Ishonch» мухбири**

## Молitia муассасаларида



## Банк миждоз учун хизмат қилади

«Ипотека банк» акциядорлик тижорат ипотека банкнинг Тошкент шаҳар Миробод тумани филиали фаолиятининг илк кунларидан бошлаб Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаб келяпти. Шунингдек, банк депозит базасини мустаҳкамлаш ва туман аҳолисининг коммунал-машиини тўловлардан қарздорлигини камайтириш мақсадида янгидан-янги хизмат турларини жорий этиб, аҳолига қулайликлар яратишга ҳаракат қилмоқда.

Бугунги кунда банкнинг мини-банк, жамгарма ва коммунал кассалари энг замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган. Шу боис аҳолига сифатли хизмат кўрсатмоқда. Хусусан, 5 та мини-банк, 25 та жамгарма ва коммунал касса миждозлар хизматиди.

Банк филиали коммунал қарздорликни камайтиришга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида аҳолига қулай жойларда сайёр кассалар ташкил этиб, барча турдаги тўловларни қабул қилишни йўлга қўймоқда. Шуниси диққатга сазоворки, жамгарма ва коммунал кассалар қабул қилиб олаётган тўловлар онлайн тартибда, яъни миждознинг коммунал ташкилотдаги ҳисоб varaгига тўғридан-тўғри ўтказиш хизмати жорий этилди.

2015 йилда филиалининг банкдан ташқарида жойлашган жамгарма ва коммунал кассалари 44 млрд. сўмдан зиёд нақд пул ва пластик карталар орқали тўловлар қабул қилиб олди, — дейди банк филиали бошқарувчиси Дилшод Файсов. — Шундан 27 млрд. сўмдан ортиғи, яъни 62 000 коммунал тўловлардан тушган маблағдир.

Аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида, банк филиали маҳалла фуқаролар йиғинлари идоралари қошида мини-банк ҳамда жамгарма кассалари ташкил этиб, аҳолидан нафақат коммунал ва бошқа турдаги тўловларни қабул қилиш, балки уларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш мақсадида турли истеъмол кредитларини ҳам тақлиф этмоқда.

**Ақбар ЭШОНКУЛОВ,**  
**бўлим бошлиғи**

## Реклама ва эълонлар

### Жиззах вилояти Пахтакор туман тиббиёт бирлашмаси касба уюшма кўмитаси

*Мамлакатимизнинг барча қобилиятли ва истеъдодли кўчаларида*  
*муносиб оилавий ва ҳўжабодлик оилаларига*  
*8 март — Халқаро хотин кунлар*  
*кўни билан таъбирланайди.*

**Оилангизни бахт ва толе, қалбингизни тўзалдиқ,**  
**лобар чехрангизни назокат ва латофат тарқ этмасин!**

### «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ 2016 йил феврал ойида ўтказилган очик аукцион савдолари натижаларини маълум қилади

1. Зангиота тумани, «Туркистон» ҚФЙ, «А.Икромов» массиви ҳудудидаги «QO'SHOQOV BAXTIYOR» фермер хўжалигидан захирга олинган 9-лоийха асосида 8, 30 гектар, шундан 6,72 гектар ер майдонидаги «Узумзор», бошланғич баҳоси 17 955 000 сўм. Сотилиш баҳоси 23 341 500 сўм.
  2. Зангиота тумани, «Туркистон» ҚФЙ, «А.Икромов» массиви ҳудудида фаолият кўриб бораётган «QO'SHOQOV BAXTIYOR» фермер хўжалигидан захирга олинган 10-лоийха асосида 8,84 гектар, шундан 7,69 гектар ер майдонидаги «Узумзор», бошланғич баҳоси 19 750 000 сўм. Сотилиш баҳоси 25 765 000 сўм.
  3. Зангиота тумани, «Туркистон» ҚФЙ, «Иттифок» массиви ҳудудидаги «KAMRON NUR OMAD» фермер хўжалигидан захирга олинган 3-лоийха асосида 5,07 гектар, шундан 4,95 гектар ер майдонидаги «Бозор», бошланғич баҳоси 1 962 000 сўм. Сотилиш баҳоси 2 550 600 сўм.
  4. Зангиота тумани, «Бўз-сув» ҚФЙ, «М.Улугбек» массиви ҳудудида фаолият кўриб бораётган «АТХАМОВА МУНИРА» фермер хўжалигидан захирга олинган 14-лоийха асосида 5,02 гектар, шундан 3,46 гектар ер майдонидаги «Бозор», бошланғич баҳоси 20 329 000 сўм. Сотилиш баҳоси 26 427 700 сўм.
  5. Зангиота тумани, «Туркистон» ҚФЙ, «Иттифок» массиви ҳудудидаги «ИТТИФОQ USMONOVA MOVLUDA» фермер хўжалигидан захирга олинган 13-лоийха асосида 5,97 гектар, шундан 5,41 гектар ер майдонидаги «Бозор», бошланғич баҳоси 5 102 000 сўм. Сотилиш баҳоси 6 632 600 сўм.
  6. Зангиота тумани, Келес шаҳри, «Абдураҳмонов мева-узум» агрофирмаси ҳудудидаги «SHOKIRJON ASL BOG'VON» фермер хўжалигидан захи-
  - рага олинган 11-лоийха асосида 9,84 гектар, шундан 9,58 гектар ер майдонидаги «Бозор», бошланғич баҳоси 15 151 000 сўм. Сотилиш баҳоси 19 696 300 сўм.
  7. Зангиота тумани, Келес шаҳри, «Абдураҳмонов мева-узум» агрофирмаси ҳудудидаги «SHOKIRJON ASL BOG'VON» фермер хўжалигидан захирга олинган 12-лоийха асосида 6,23 гектар, шундан 5,40 гектар ер майдонидаги «Бозор», бошланғич баҳоси 11 363 000 сўм. Сотилиш баҳоси 14 771 900 сўм.
  8. Зангиота тумани, «Хасанбой» ҚФЙ, «Н.Обидов» агрофирмаси ҳудудидаги «FIRDAVS JAVLON» фермер хўжалигидан захирга олинган 1-лоийха асосида 7,67 гектар, шундан 7,46 гектар ер майдонидаги «Бозор», бошланғич баҳоси 13 068 000 сўм. Сотилиш баҳоси 16 988 400 сўм.
  9. Зангиота тумани, «Кўксарой» ҚФЙ, «Тош-тулаби агро» агрофирмаси ҳудудидаги «KELES-SHAROB» МЧЖдан захирга олинган 23,6 гектар, шундан 6,10 гектар ер майдонидаги «Бозор» ва 13,20 ер майдонидаги «Узумзор», бошланғич баҳоси 11 596 000 сўм. Сотилиш баҳоси 15 074 800 сўм.
  10. Зангиота тумани, «Туркистон» ҚФЙ, «Иттифок» массиви ҳудудидаги «ИТТИФОQ ALIEV XAVIBULLA» фермер хўжалигидан захирга олинган 2,52 гектар ер майдонидаги «Узумзор» бошланғич баҳоси 2 712 000 сўм. Сотилиш баҳоси 3 525 600 сўм.
  11. Зангиота тумани, «Туркистон» ҚФЙ, «Иттифок» массиви ҳудудидаги «ИТТИФОQ AKBAROV SHORUSTAM» фермер хўжалигидан захирга олинган 3,82 гектар ер майдонидаги «Бозор», бошланғич баҳоси 3 555 000 сўм. Сотилиш баҳоси 4 621 500 сўм.
  12. Зангиота тумани, «Туркистон» ҚФЙ, «Иттифок» массиви ҳудудидаги «ИТТИФОQ AKBAROV SHORUSTAM» фермер хўжалигидан захирга олинган 7,42 гектар ер майдонидаги «Бозор», бошланғич баҳоси 8 570 000 сўм. Сотилиш баҳоси 11 141 000 сўм.
  13. Зангиота тумани, «Кўктерак» ҚФЙ, «Кўктерак ҳўхсолот фазз» агрофирмаси ҳудудидаги «RUSTAMBEK-TURSUNBEK» фермер хўжалигидан захирга олинган 7,4 гектар ер майдонидаги «Бозор», бошланғич баҳоси 26 063 550 сўм. Сотилиш баҳоси 33 882 610 сўм.
  14. Зангиота тумани, «Туркистон» ҚФЙ, «Иттифок» массиви ҳудудидаги «ИТТИФОQ VAKILOV MAXMUD» фермер хўжалигидан захирга олинган 7,72 гектар ер майдонидаги «Бозор», бошланғич баҳоси 11 066 000 сўм. Сотилиш баҳоси 14 385 800 сўм.
  15. Зангиота тумани, «Туркистон» ҚФЙ, «Иттифок» массиви ҳудудидаги «ИТТИФОQ VAKILOV MAXMUD» фермер хўжалигидан захирга олинган 8,82 гектар ер майдонидаги «Бозор», бошланғич баҳоси 7 244 000 сўм. Сотилиш баҳоси 9 417 200 сўм.
  16. Зангиота тумани, «Бўзсув» ҚФЙ, «М.Улугбек» массиви ҳудудидаги «QO'ZIXON-AYUBXON» фермер хўжалигидан захирга олинган жами 6,7 гектар, шундан 3,02 гектар ер майдонидаги «Бозор», бошланғич баҳоси 3 970 000 сўм. Сотилиш баҳоси 5 161 000 сўм.
  17. Зангиота тумани, «Хасанбой» ҚФЙ, «Н.Обидов» агрофирмаси ҳудудидаги «QODIR BAXOR UMIDVOR» фермер хўжалигидан захирга олинган жами 5,1 гектар, шундан 4,05 гектар ер майдонидаги «Бозор», бошланғич баҳоси 16 801 000 сўм. Сотилиш баҳоси 21 841 300 сўм.
- Хизматлар лицензияланган.**  
**RR — №0008.**

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РАХБАРЛАРИ ДИҚҚАТГА!

### СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ 15-СОН ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ 2016 ЙИЛ МАНЗИЛ ДАСТУРИГА КИРИТИЛГАН ҚУЙДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№ п/л	Объект номи	Бошланғич нархи ҚҚС сиз (сўм)	Қурилиш муддати
1.	Мирзобод туманидаги ВС-13-33 коллекторни тизими таъмирлаш-тиклаш	952 353 565 сўм	210 кун
2.	Сирдарё туманидаги ВЖД-3 коллекторни тизими таъмирлаш-тиклаш	2 325 797 232 сўм	390 кун 2016-2017 йиллар

Қурилиш ишларини молиялаштириш: Мелиорация фонди ҳисобидан. Буюртмачининг манзили: Гулистон шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 127- уй. Телефон: (0-367) 225-11-30, (0-367) 225-13-42.

Талабдор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйдаги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб рақамидида танлов савдолари предмети қўйиматининг камида 20% микдоридида айланма маблағлари бўлиши, ёки кўрсатиб ўтилган маблағга банк қароватномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тақрибланган ва ишончли бўлишлари, ўқаш объектларида ишлаш таҳрибасининг мавжудлиги бўлиши шарт.

Бошқа маълумот ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда, қурилиш пудрат ташкилотлари реестрига киритилган ташкилотларнинг танлов савдоларда иштироки тавсия ҳусусиятига эга ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 феврал ПП-1475 сонли қарорига асосан, давлат бюджетди маблағлари ва бошқа мақсадлаштирилган маблағ ҳисобидан молиялаштириладиган 500,0 млн. сўмдан юқори бўлган қурилиш ва қайта қуриш объектларига ўтказилган танлов савдолари, фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Давлат харидлари бўйича Ҳўкумат комиссиясининг 2011 йил 29 декабрдаги 4-сонли баённомасига асосан иншоотларни таъмирлаш — тиклаш ишларига кичик бизнес субъектлари учун минимал квотаси 35% гача белгиланган.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйдаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларнинг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларидида четдан ишлар (хизматлар) киритилгани кўзда тутилганда ва бундан импорат қилувчилар қўнига мунофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчили — Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси, 30-ийда жойлашган Сирдарё вилояти қурилиш ва танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйдаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

**Тел (факс): (0-3672) 27-64-42. Бир тўламан танлов ҳужжатларининг нархи 112 740 сўмдан — 158 300 сўмгача.**

Тақлифлар (Оферталар) танлов савдоси ташкилотчили томонидан юқоридидаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни танлов савдоси ташкилотчилига тақдим этишининг охириги муддати-оферталар очилиш куни ва соатида. Танлов савдоси матбуотда берилган кундан бошлаб 15 кундан кейин қуйдаги манзилда ўтказилади: Сирдарё вилояти қурилиш ва танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази биноси.

**Хизматлар лицензияланган.**

### «Navoiy mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади

Нурота туман СМБ томонидан ЖИБ Нурота туман судининг 04.02.2016 йилдаги икки ҳужжатига асосан қатланган, Нурота тумани А.Ясавий МЧК турағоҳида сақланаётган 2006 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 30 Р 226 Л бўлган «Нексия» русумли автотранспорт. Бошланғич баҳоси — 4 763 700 сўм. Аукцион савдоси 2016 йил 11 апрел кунини соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризаларни қабул қилишининг охириги муддати: 2016 йил 8 апрел кунини соат 18:00. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик). Мулklar билан сўз икчиликчи бўлиши вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Савдо голибиди 5 иш кунини ичида тўловларни тўлиқ амалга ошириш мажбурияти қўйилади. Талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган микдорда закалат пулини тўлов ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда қўйиб оқиб рақамга тўлашди. Савдо ўтказилган манзил: Navoiy shahri, Jorjorat k'chasi, 24-uy. Тел: (0-436) 22-4-64-31. www.rmm.uz. Гувоҳнома: 1605.

**Хизматлар лицензияланган.**

Транспорт, йул ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Республика Кенгаши ва «Оҳангаронцемент» АЖнинг касба уюшма кўмитаси жамоалари касба уюшма фахрийси

**Эркин ТОЛПОВНИНГ** билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия ихпор қилади.

# ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

## Металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши

*Меҳрибон ва дилбар аёлларимизни барча эзгуликларни ўзига мукассам этган 8 март – Халқаро хотин-қизлар куну билан табриклайди.*



Эл-юрт равнақи йўлида сизларга куч-ғайрат, толмас ирода ва улкан муваффақиятлар тилаймиз. Мустақкам соғлиқ ва оилавий хотиржамликда эзгу ниятларингиз рўёбини кўриб, фарзандларингиз камолига эришиб юриш барчангизга насиб этсин!

## Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши

*Ҷабиат тобора чирой очиб бораётган илк баҳор кунларида Сиз азиз аёлларни 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами билан муборакбод этади.*


*Тафаккур гулшанининг нарғибони бўлишдек эзгу ишларингизга улкан муваффақиятлар тилайди. Барчангизга сиҳат-саломатлик, ғайрат-шижоат, хонадонларингизга файзу барака ёр бўлсин.*



## Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши

Мухтарам опа-сингилларимизни ҳамда «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирлар ижросини амалга оширишда соҳада хизмат қилаётган фидойи аёлларимизни 8 март – Халқаро хотин-қизлар куну билан самимий қутлайди.

*Аҳоли саломатлигини сақлашдек масъулиятли вазифани бекам-кўст амалга оширишда улкан зафарлар тилаймиз. Оилангизни бахт-саодат, қалбингизни эзгулик, нурли чехрангизни латофат асло тарк этмасин!*



## «Байрам» тоққирлик машқлари

**МУАММОНОМА.** Чизма атрофларидаги рақамларда Юртбошимизнинг ибратли сўзлари яширинган. Уни қуйдаги шoirларнинг хикматли мисраларида келтирилиб, рақамларда ифодаланган қалит сўзлари жавоблари асосида ҳал этиш орқали билиб олинг.

Алишер Навоий:

1. Оналарнинг 11, 19, 17, 3 остидадур, Равзаи жаннату жинон боғи. Равза боғи 25, 3, 20, 11, 2, 3, 4 истар эсанг, Бўл оналар оёғин туфроғи.
2. Қоши ёсинму дейин, қўзи қаросинму дейин?
3. Кўк поля сайр ила талабгор санга, Кун сарғарибон ишқда 12, 14, 7, 11, 10 санга, Ой доғ ила қуллук айлаб 3, 5, 24, 11, 10 санга, Тун анжуми нақдидин харидор санга. Абулқосим Фирдавсий:
4. Она насиҳатин қуйволсин қулоқ, Дунёда ёмонлик истама 7, 9, 18, 2, 11, 23. Бағрида ўстиришиш жонидан азиз, Жонингдан азиз тут кечаю 8, 9, 4, 16, 9, 5. Фағур Фулом:
5. Биринчи тамшанган она сут қадрин, Асл ўғил бўлиб оқлаш 15, 13, 18, 3, 12, 11, 10. Теварак оламга зийнат саналур, Она-юрт бағрида кўркам ҳар 22, 3, 4, 11, 10.

**КРОССВОРД. Энига:** 1. Ҳайъта: «Она, махбуба, умр чиройи» — деб таърифланган мўътабар зот. 4. Зеб бериш, пардоз. 14. Тақинчоқ, зеб-зийнат буюми. 17. Волидаларнинг азалий қўшиғи. 20. Алишер Навоийнинг театр саҳнаси ва кино экранндаги севгилиси. 26. Ўзбек халқ мақолидан: «... тинч — юрт тинч.»

**Бўйига:** 1. Таниқли ўзбек аёл шашкачиси, спорт устаси. 7. Ўткир Ҳошимовнинг «Баҳор қайтмайди» кинесаси қаҳрамонларидан бири. 13. Алишер Навоийнинг «Хамса» достонидаги Шириннинг аммаси, адолатли ҳукмдор, халқ фаровонлиги ва илму маърифат ҳомийиси образи. 24. «Опа-сингиллар» телесериали қаҳрамони, болалар шифокори. 25. Устоз раққоса Мукаррама Турғунбоева саҳналаштирган рақслардан бири. 27. Утмишда хотин-қизларга ҳурмат билан мурожаат қилишда айтилган сўз. 28. Моҳир тикучи.

**Диagonal бўйича ўнға:** 2. Тирноқ пардози ашёси. 3. Улуғ хинд адби Рабиндра-

нат Тагор романи асосида суратга олинган «Ганг дарёсининг қизи» фильми бош қаҳрамони. 5. Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўпоннинг «Коронгу кечада кўкка кўз тикиб...» сатри билан бошланувчи шеъри. 15. Ўзбек халқ рақс куйи. 16. Ўзбек хикоянавис адабиси.

**Диagonal бўйича чағга:** 6. Қошни янги чиққан уч кунлик ой сифатида таърифлаш. 15. Кино экранда Кумушбиби образи ижроси, Ўзбекистон халқ артисти. 16. Адолат ва ҳақиқат учун курашчи аёл баён этилган ўзбек халқ достони. 17. Хушбўй суюқлик олинган манзарали ўсимлик. 18. Миллатимизга мансуб ипак газлама. 19. «Махобхорат» хинд халқ эпосидаги Рамнинг садоқатли ёри.

**«Занжир» ҳолида:** 8. Таваллудининг юз йиллиги нишонланган ардоқли ўзбек шоираси. 9. Рақс билан ижро этиладиган қўшиқ. 10. Насрий асарлар ёзувчи аёл. 11. Ўзёз-эътиборга, иззат-хурматга лойиқ инсон. 12. Аёлларга мансуб рангдор нақш тикиш касби. 21. «Баригал», «Самарқанд» каби қўшиқлар ижроси, Ўзбекистон халқ артисти. 22. Урф бўлаётган ип, ипак аралаш миллий газлама. 23. Қош, киприк пардоз ашёси.

Фозилжон ОРИПОВ

**MUASSIS:** O'zbekiston kasaba uyushmalar Federatsiyasi

**Bosh muharrir:** Jahongir Sharofboyev

**Tahrir hay'ati:** Abdulaziz Abdullayev, To'loqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

**BO'LIMLAR:** Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63  
Muqavva va xalqaro hayot — 256-64-69  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43  
Reklama va o'lonlar — 256-87-73

**HUDDUDLARDAGI MUXBIRLAR:** Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32  
Andijon — (+998-91) 475-23-60  
Buxoro — (+998-93) 653-50-81  
Jizzax — (+998-91) 943-67-44  
Namangan — (+998-90) 260-50-77  
Navoiy — (+998-93) 313-86-87  
Samarqand — (+998-97) 915-50-87  
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55  
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99  
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70  
Xorazm — (+998-90) 719-48-00  
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

**Navbatchi muharrir:** N.Rafiqov

**Navbatchi:** D.Alaqulova

**Musahhirlar:** S.Shodiyeva

**Sahifalovchi:** H.Abdujalilov

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida chop etildi.**

**Korxonalar manzili:** Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

**Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalovchi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 3 bosma taboa.

Buyurtma G — 315.

22725 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

Boshqacha topshirish vaqti — 20:15  
Topshirildi — 22:20

1 2 3 5 6